

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОЕВ Л КАДРХУЖА ДЖУРАХОДЖАЕВИЧ

АВТОДИЛЕР КОРХОНАЛАРИДА МАРКЕТИНГ
СТРАТЕГИЯЛАРИДАН ФойДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(“LADA UZBEKISTAN” БРЕНДИ МИСОЛИДА)

08.00.11 – Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Бобоев Л Кадрхужа Джураходжаевич

Автодилер корхоналарида маркетинг стратегияларидан
фойдаланишни такомиллаштириш (“LADA Uzbekistan” бренди
мисолида)..... 3

Бобоев Л Кадрхужа Джураходжаевич

Совершенствование использования маркетинговых стратегий в
автодилерских предприятиях (на примере бренда “LADA
Uzbekistan)..... 29

Boboev L Kadrkhuja Djuraxodjaevich

Improving the implementation of marketing strategies in autodealership
enterprises (case of “LADA Uzbekistan” brand)..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОЕВ Л КАДРХУЖА ДЖУРАХОДЖАЕВИЧ

АВТОДИЛЕР КОРХОНАЛАРИДА МАРКЕТИНГ
СТРАТЕГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(“LADA UZBEKISTAN” БРЕНДИ МИСОЛИДА)

08.00.11 – Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ўқ1220 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdiu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Эшов Мансур Пулатович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Бекмуродов Адҳам Шарипович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Ақромов Тоҳир Абдирахмонович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49 уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: info@tsue.uz

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49 уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: info@tsue.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси)

Д.Х.Суюнов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Д.М.Мавлянова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Ш.Дж.Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатларида Covid-19 пандемияси оқибатида юзага келаётган таъминот занжиридаги узилишларнинг автомобиль бозорига ҳам жиддий таъсири кузатилмоқда. Карантин чекловлари халқаро автомобилсозлик компаниялари ишлаб чиқариш фаолиятининг чекланиши билан бир қаторда истеъмолчилар даромадига салбий таъсир этиб, автомобилларга бўлган талабнинг кескин пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. «2021 йилда жаҳон бозорида жами 63,4 млн. дона янги автомобиль сотилган бўлиб, 2020 йилга нисбатан 15,3%га пасайган, хусусан, энг йирик бозорлар ҳисобланган Испанияда 32,3%, Буюк Британияда 29,4%, Италия 28,0%, Францияда 25,1%, Канадада 24,9%, Германияда 19,0%, АҚШда 16,6% ҳамда Японияда 11,2%га пасайиш кузатилган. Ишлаб чиқарилган жами автомобилларнинг 14,5 млн. донаси ёки 18,6 фоизи сотилмай қолган.»¹ Шу боис, автомобиль бозорида юзага келган мазкур инқирозли вазият ишлаб чиқарувчилар томонидан сотишдаги муаммоларни аниқлашни ва унда сотиш бўйича самарали маркетинг стратегияларидан фойдаланишни тақозо этмоқда.

Жаҳондаги автомобилсозлик компаниялари инқирозли бозор шароитида самарали маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, таъминот занжири ва логистика тизими самарадорлигини ошириш, рақамли трансформация доирасини кенгайтириш орқали талабни рағбатлантиришга қаратилган кенг қамровли изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, автомобиль моделларини истеъмолчилар сегменти хусусиятига мослаштирган (ресегментация) ҳолда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноат кооперациясини кенгайтириш орқали йирик ва майда узелли конвейер усулларини жорий қилиш, лицензияланган таъминот занжири тизимини яратиш, нархлаштиришнинг рақобатчиларга нисбатан қиёсий устунликни рағбатлантирувчи «test drive» ва универсал «trade-in» механизмларини йўлга қўйиш борасида илмий йўналишларидаги тадқиқотлар масалаларига устувор мавзулар сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда миллий автомобиль саноатини жадал ривожлантириш, илғор халқаро тажриба асосида замонавий бозор механизмлари ва бошқарув усулларини жорий қилиш, шунингдек, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган ва аҳолининг турли истеъмол ва даромад сегменти хусусиятларига мос келувчи автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича кенг кўламли иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4397-сон қарорига мувофиқ «2019-2023 йилларда енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмини 350 минг донага, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини ўрта ҳисобда 60

¹ European Automobile Manufacturers' Association (2021). The Automotive Industry Pocket Guide 2021-2022. ACEA Publications. Brussels, Belgium. <https://www.acea.auto/publication/automobile-industry-pocket-guide-2021-2022/>

фоизга етказиш, тармоқда бошқарувнинг замонавий усуллари жорий қилиш ҳамда аҳолининг кенг қатламлари учун ҳамёнбоп бўлган янги моделларни ишлаб чиқариш»² каби вазифалар белгилаб берилган. Бу борада автомобиль саноатини “Саноат 4.0” концепцияси асосида ташкил этиш, рақамли трансформацияга хос маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, истеъмолчиларнинг турли сегмент хусусиятларига мос келувчи автомобиллар моделларини яратиш, мижозлар билан самарали коммуникация тизимини ва диверсификацияланган маҳаллий автомобиллар брендларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони, 2019 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4397-сон, 2018 йил 1 июндаги «Автомобиль саноатини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3028-сон, 2019 йил 4 октябрдаги «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги ПҚ-4477-сон, 2018 йил 7 майдаги «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-3698-сон қарорлари ва соҳага доир меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Автомобиль компанияларда маркетинг стратегияларидан фойдаланишни такомиллаштиришнинг илмий-назарий, услубий ва амалий жиҳатларини хорижлик олимлардан Fuerderer R., Herrmann A., Wuebker G., Green K., W., Inman R.A., Birou L.M., Whitten, D., Chan, A., Watkins L., Hofstede G., Soares A., Farhangmehr M., Shoham A., Bowen D. E. Jones G. R., Muhammad Mujtaba A., Sany S.M. Aliyu O.A. ва бошқалар³ ўз

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 июлдаги Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ПҚ-4397-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4429732>

³ Fuerderer, R., Herrmann, A., & Wuebker, G. Optimal bundling: marketing strategies for improving economic performance. Springer Science & Business Media, 2013.; Green, K., W., Inman, R.A., Birou, L.M. & Whitten, D. “Total JIT (T-JIT) and its impact on supply chain competency and organizational performance”, International Journal of Production Economics, 147 (1), pp. 125-135, 2014.; Chan, A. Marketing Strategy of a Creative Industry Company in Bandung City. Review of Integrative Business and Economics Research, 7, 232-240, 2018.; Watkins, L. The cross-cultural appropriateness of survey-based value(s) research: A review of methodological issues and suggestion of alternative methodology. International Marketing Review, 27 (6), 694-716, 2010.; Hofstede, G., 2001. Culture's consequences: Comparing values, behaviors, institutions, and organizations across nations (2nd ed.). Thousand Oaks, CA: Sage Publications.; Hofstede G. Culture's consequences: international differences in work-related values. Newbury Park, CA: Sage Publications; 1984 [Abridged edition]; Soares, A., Farhangmehr, M. & Shoham, A. (2007). Hofstede's dimensions of culture in international marketing studies. Journal of Business Research, 60, 277-284.

илмий тадқиқотларида ёритиб беришган. Шунингдек, мазкур олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар амалиётда, дунёнинг энг йирик компаниялари томонидан юксак эътироф этилиб, ҳозирга қадар самарали қўлланиб келинаётган маркетинг стратегияларини яратиб, амалиётга кенг жорий қилишган.

Ушбу соҳада МДХ олимларидан Азоев Г.Л., Ансофф И., Воловиков Б.П., Голубков Е.П., Любецкий П.Б., Сольская И.Ю., Шкардун В.Д.⁴ сингари олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Мазкур тадқиқотларда автомобиль бозорининг хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатлари, стратегик маркетинг назарияси, брендни шакллантириш ҳамда брендинг стратегияларини ишлаб чиқишнинг илмий-назарий жиҳатлари ёритилган бўлса-да, истеъмолчиларга йўналтирилган маркетинг стратегиялари ва автомобиллар бозорида истеъмолчилар сегмент хусусиятларини аниқлашга етарлича аҳамият қаратилмаган.

Республикамиз саноат корхоналарида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш масалалари маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.Бекмуродов, М.Болтабоев, М.Икрамов, Р.Муратов, М.Косимова, Г.Кариева, Ш.Эргашходжаева, А.Фаттоҳов, Т.Акрамов ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган⁵. Муаллифлар компанияларда маркетинг стратегияларидан фойдаланишни такомиллаштириш борасидаги назарияларни янги маълумотлар билан бойитиб, маҳаллий ва хорижий бозорларда корхоналар фаолиятининг маркетинг самарадорлигини ошириш муаммоларини илмий тадқиқ этган. Шунингдек, автомобиллар бозорини

<http://dx.doi.org/10.1016/j.jbusres.2006.10.018>; Bowen, D. E. & Jones, G. R. (1986). Transaction Cost Analysis of Service Organization-Customer Exchange. *The Academy of Management Review*, 11, 428-441.; Muhammad Mujtaba, A., Sany Sanuri Mohd, M. & Aliyu Olayemi, A. (2013). The Moderating Effect of Long-Term Orientation Culture on the Relationship between Trust, Personalization and Customer Satisfaction and Loyalty: A Proposed Framework. *International Journal of Academic Research in Business and Social Sciences*, 3, 117-131.

⁴ Азоев Г.Л. Формирование маркетинговых технологий управления организациями в конкурентной среде: Дис. д-ра экон. наук: 08.00.05 М., 1997. 334 с.; Ансофф И. Стратегическое управление. Москва: Экономика, 2009. – 331с.; Классики менеджмента (электрон ресурс). Веб сайт: <http://www.hrm.ru>; Воловиков Б.П. Разработка оптимального бизнес-портфеля промышленного предприятия. Вестник ОмГУ серия «Экономика», N1, 2010-с.162.; Голубков Е.П. Маркетинговые исследование: теория, практика и методология. М.: Финпресс, 1998. 416 с.; Любецкий П.Б. Механизм формирования и реализации маркетинговой стратегии. Автореферат дис.к.э.н. по специальности 08.00.05 – экономика и управление народным хозяйством. Горки, 2016. ст.9.; Сольская И.Ю. Концепция и методология маркетинг-менеджмента в системе российского предпринимательства: Дис. д-ра экон. наук. Иркутск: Ин-т экономики ИГТУ, 2000. 300 с.; Шкардун В.Д. Маркетинговые основы стратегического планирования: Теория, методология, практика: Монография. –М.: Дело, 2005. – 376 с.;

⁵ Bekmurodov A.Sh. Gafurov U.V. Uzbekistan on the way to a new and high stage of modernization of the economy and deepening of reforms -Т.: Economy, 2008 - 123 p.; Boltaboev M.P. Marketing strategy in the development of export potential of the textile industry of the Republic of Uzbekistan: Eco. sub. doc. diss. abstract. - Tashkent: TSUE. 2005. - 35 p.; Muratov R.C. Regional aspects of the formation of the range of light industry products for rural consumption in Uzbekistan. 08.00.13 - Specialty "Marketing". e.c.s. diss written to obtain a scientific degree. - Т., 2006. - 200 p.; Kosimova D.C. Modern trends in the management of integrated corporate structures. Monograph. -Т.: Economics, 2011. -166 p.; Kariyeva G.A. International marketing of the company in the development of exports (on the example of the textile industry of the Republic of Uzbekistan). Abstract of thesis. dis. e.c.s Art. Cand. eq. n. - Т.: TSUE, 2008.-25 p; Акрамов Т. Автомобиль саноати корхоналарида маркетинг стратегияларини такомиллаштириш. 08.00.11 – Маркетинг (иктисодиёт фанлари). Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси. Тошкент шаҳри – 2018 йил.

тадқиқ қилиш, истеъмолчиларнинг турли сегмент хусусиятини аниқлаш борасида аниқ хулосаларга келинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-А2-050 «Корхоналарнинг маркетинг фаолиятида мотивация усулларида фойдаланиш самарадорлигини ошириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади автодилер корхоналарида маркетинг стратегияларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий маркетинг стратегиялари, уларнинг мазмун-моҳиятига оид турли назарий қарашларни ўрганиш ҳамда мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган Хофстеднинг маданий мезонлари асосида маркетинг стратегияларининг миллий автомобиль бозорида қўллаш бўйича кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон автодилер корхоналарида маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишни тўғри ташкил қилиш, ундаги умумиқтисодий, бозор ва ижтимоий-маданий омиллар тизимини тавсифлаш;

автомобиль бозоридаги мувозанатга таъсир кўрсатувчи иқтисодий ва ижтимоий-маданий омилларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда аниқ мезонлар асосида баҳолаш;

истеъмолчиларнинг маданий, психологик ва бошқа ижтимоий жиҳатларини ўрганиш орқали миллий автомобиль бозоридаги «LADA Uzbekistan» бренди савдо ҳажмини ошириш мақсадида дифференциация дастурини ишлаб чиқиш;

харидор «портрети» ҳамда «LADA» автомобиллар савдосида чегирмали «test drive» ва универсал «trade-in» механизмларини кўзда тутувчи рақобат ҳамда савдони силжитиш стратегиясини ишлаб чиқиш;

маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини кенгайтириш ҳамда бутловчи қисмларни етказиб беришнинг лицензиялашган тизимини жорий қилиш орқали дастлаб «йирик узелли», сўнгра босқичма-босқич «майда узелли конвейер» усулида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;

харид қобилияти паритетини инобатга олган ҳолда аҳолининг ўртача номинал даромадидан келиб чиқиб ўтказилган қайта сегментлаш Ўзбекистон миллий автомобиль бозорида «арзон» (бюджет) тоифасидаги автомобиллар ишлаб чиқарилишини кўпайтириш ҳамда «оммабоп» ва «премиум» тоифасидаги автомобиллар ассортиментини «trade-in» асосида янгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «LADA Uzbekistan» бренди таъсисчиси «Roodell» МЧЖнинг Ўзбекистон автомобиль бозоридаги фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети автодилер корхоналарида маркетинг стратегияларидан фойдаланишни такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий-ижтимоий муносабатлар мажмуи олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида кузатиш, индукция, дедукция, Хофстеднинг маданий мезонлар модели, ARDL ва коинтеграция эконометрик таҳлил усуллари, сўровнома, сегментлаш, SWOT, PESTLE каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон миллий автомобиль бозоридаги истеъмолчилар маданий-психологик «портрети»нинг ўртача қиймати 75,8% даражасида эканлиги аниқланиб, унинг асосида «LADA Uzbekistan» брендининг моделлар қаторини дифференциациялаш дастури ишлаб чиқилган;

«full service» пакетига эга бўлган чегирмали «test drive» ҳамда модели ва юрган масофасидан қатъий назар универсал «trade-in» механизмларини кўзда тутувчи маркетингни силжитиш стратегияси таклиф этилган;

саноат кооперациясининг эҳтиёт қисмларни лицензия бермаган ҳолда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга буюртма бериш (ODM) тизимини жорий қилиш ҳисобига “LADA Uzbekistan” бренди автомобиллари таннариhini ўртача 6,6 фоизга камайтиришни кўзда тутувчи нарх стратегияси таклиф этилган;

«LADA Uzbekistan» бренди савдо ҳажмининг нормал, оптимистик ва критик сценарийларга асосланган 2026 йилгача прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

автомобиллар бозорида истеъмолчилар талабини шаклланишининг ижтимоий-маданий омилларини аниқлаш асосида харидор «портрети» тавсия этилган;

миллий автомобиль бозорига ички ва ташқи омиллар таъсирини баҳолашнинг «PESTLE» маркетинг тадқиқоти усулини такомиллаштириш тавсия этилган;

Ўзбекистон автомобиллар бозорида Хофстеднинг маданий мезонлари асосида истеъмолчиларнинг сегмент хусусиятларини аниқлаш тавсия этилган;

автомобиль бозорида нарх бўйича рақобатда қиёсий устунликни таъминлаш, савдо самарадорлигини оширишнинг универсал «trade-in» ҳамда «test drive»ни ўзида акс эттирувчи маркетингнинг силжитиш стратегиялари тавсия этилган.

Тадқиқот натижалари ишончилиги. Ушбу диссертацияда келтирилган маълумотларнинг ишончилиги уларнинг расмий манбалардан олинганлиги билан, статистик ва эмпирик таҳлиллар, эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаштириш натижаларининг ишончилиги турли статистик мезонлар ёрдамида баҳолангани билан, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг ишончилиги ва ўринлиги мутасадди давлат ташкилотлари ва тадқиқот объекти сифатида олинган «LADA Uzbekistan» бренди таъсисчиси «Roodell» МЧЖ корхонаси томонидан амалиётга тадбиқ қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти «LADA Uzbekistan» бренди маркетинг стратегияси самарадорлиги ва унинг рақобатбардошлигини оширишга

қаратилган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўрта ва узоқ муддатли истиқболда хорижий мамлакатларда қўлланиладиган илғор маркетинг стратегияларини Ўзбекистонда жорий қилиш орқали миллий автомобиль бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, жаҳон автомобиль саноатидаги илғор технологиялар ва инновацияларни жорий қилиш эвазига янги моделлар қаторини конвейерга қўйиш, маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини кенгайтириш ҳисобига «йирик узелли конвейер» ишлаб чиқариш тизимини жорий қилиш ҳамда бу орқали импорт ўрнини босиш ва маҳсулот таннархини камайтиришга эришиш, пировардида эса истеъмолчиларга замонавий, арзон ва тежамкор автомобилларни етказиб беришдаги ўрни ҳамда аҳамияти кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Автодилер корхоналарида маркетинг стратегияларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Ўзбекистон миллий автомобиль бозоридаги истеъмолчилар маданий-психологик «портрети»нинг ўртача қиймати 75,8% даражасида эканлиги аниқланиб, унинг асосида «LADA Uzbekistan» брендининг моделлар қаторини дифференциациялаш дастури бўйича таклифи «LADA Uzbekistan» бренди таъсисчиси «Roodell» МЧЖ фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2022 йил 9 мартдаги 02-14/-02110-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида «LADA Uzbekistan» бренди таъсисчиси «Roodell» МЧЖнинг 2021 йил сентябрь-декабрь ойларида харидорлар орасида оммабоп бўлган оқ, кул ранг ва қора ранглардаги автомобилларни етказиб бериш 136 фоизга ошган, «sports & deluxe» тюнинг усулида қўшимча ишлов берилган моделларни буюртма асосида сотиш йўлга қўйилган, шунингдек, «седан» ва «универсал» тоифасидаги автомобиллар савдоси 161,3 фоизга ошган;

«full service» пакетига эга бўлган чегирмали «test drive» ҳамда модели ва юрган масофасидан қатъий назар универсал «trade-in» механизмларини кўзда тутувчи маркетингни силжитиш стратегияси бўйича таклифи «LADA Uzbekistan» бренди таъсисчиси «Roodell» МЧЖ корхонаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2022 йил 9 мартдаги 02-14/-02110-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида «LADA Uzbekistan» бренди таъсисчиси «Roodell» МЧЖ корхонаси автомобиллар савдоси 2021 йилнинг ноябрь ойи 10,6 млрд сўмни ташкил этиб, ойлик ўртача савдо ҳажмига нисбатан 298,3 фоизга ошишига эришилди;

саноат кооперациясининг эҳтиёт қисмларни лицензия бермаган ҳолда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга буюртма бериш (ODM) тизимини жорий қилиш ҳисобига “LADA Uzbekistan” бренди автомобиллари таннархини ўртача 6,6 фоизга камайтиришни кўзда тутувчи нарх стратегияси бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги

Геология, тоғ-кон саноати, металлургия, машинасозлик ва қурилиш материаллари бошқармаси фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2022 йил 9 мартдаги 02-14/-02110-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида «LADA Uzbekistan» бренди таъсисчиси «Roodell» МЧЖнинг «Vesta», «X-Ray» ва «Largus» моделларини «СВU» (complete build-up), яъни дилерлик ҳуқуқи асосида тайёр автомобилларни импорт қилиш ва ички бозорга сотиш амалиётини босқичма босқич қисқартириш бошланиб, 2022 йил 1 январь ҳолатига импорт ҳажмини қарийб 42,4 фоизга камайтиришга эришилди ҳамда Жиззах вилоятидаги йиғиш майдонида «Vesta», «X-Ray» ва «Largus» моделларини маҳаллийлаштиришнинг янги «SKD» (йирик узелли қисмларни йиғиш) усулида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонада энг замонавий роботлаштирилган конвейер линиялари ўрнатилиб, унинг негизида 233 та янги иш ўрни яратилди ҳамда пировардида 2022 йил 1 январь ҳолатига жами 32,7 млрд. сўмлик 197 дона автомобиль ишлаб чиқарилган.

«LADA Uzbekistan» бренди савдо ҳажмининг нормал, оптимистик ва критик сценарийларга асосланган 2026 йилгача прогноз кўрсаткичлари бўйича таклифи «LADA Uzbekistan» бренди таъсисчиси «Roodell» МЧЖ фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2022 йил 9 мартдаги 02-14/-02110-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «LADA Uzbekistan» бренди таъсисчиси «Roodell» МЧЖнинг 2026 йилгача бўлган стратегик йўл харитаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан, 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган ҳамда тезислар нашр этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий илмий нашрларда 2 та ва нуфузли хорижий журналларда 4 та илмий мақолалар нашр этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация асосий матнининг ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг илмий ишлар режалари билан алоқадорлиги аниқланган, диссертациянинг илмий янгилиги, илмий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти келтирилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқи, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар берилган. Шунингдек, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган.

Тадқиқотнинг **“Автодилер корхоналарида маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида автомобиль бозорига мос бўлган замонавий маркетинг стратегиялари ўрганилган, автомобиль бозорига таъсир этувчи маданият омиллари аниқланган ва Хофстеднинг маданий мезонлар усулининг назарий асослари моҳияти ва объектив зарурати ўрганилган. Шунингдек, мазкур йўналишда хорижлик иқтисодчи олимларнинг замонавий маркетинг концепциялари, жумладан, маркетинг стратегиялари элементлари, хусусиятлари ва ундан Ўзбекистон автомобиль бозорига фойдаланиш йўллариининг назарий жиҳатлари ёритиб берилган.


Жаҳоннинг етакчи иқтисодчи олимлари, маркетинг ва корпоратив бошқарув соҳасидаги дунёнинг энг нуфузли мутахассислари ўртасида маркетинг стратегиясининг янги бозорга киришдаги аҳамияти борасида яқдил фикр мавжуд бўлса-да, стратегияни ишлаб чиқишда маданий омилларни ҳисобга олиш зарурати борасидаги қарашларда фарқлар мавжуд. Корхоналарнинг янги бозорни ўзлаштириши ва унда қўлланиладиган стратегияларни белгилаши учун истеъмол бозорига таъсир этувчи маданий-психологик омилларни аниқлаши ва уларни тўғри ўлчай билиши лозим.

Илмий адабиётларда замонавий маркетинг концепциялари доирасида шаклланган истеъмолчиларга йўналтирилган стратегиялар, асосан маҳсулотларни танитиш учун қўлланиладиган усуллар йиғиндиси сифатида қаралган. Маркетинг стратегиясини корхонанинг ишлаб чиқариш, сотиш ва рентабелликни оширишга йўналтирилган операция фаолиятларини бошқариш воситаси сифатида қарашлар ҳам мавжуд. Америкалик олимлар маркетинг стратегиясига сотишни кенгайтириш ва бозордаги ўзаро рақобатда барқарор устунликка эришишнинг асосий воситаси сифатида қараган. Ўзбекистон олимлари томонидан маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишга бўлган ёндашувларда асосий эътибор сегментлаш, товарни такомиллаштириш, нархлаштириш, сотишнинг янги усулларини жорий этиш, истеъмолчилар билан мақсадли коммуникация усулларидан фойдаланиш асосида рақобатда устунликни яратиш устувор йўналиш сифатида ўрганилган. Муаллифнинг фикрича, маркетинг стратегияси - бу харидорлар билан яқиндан мулоқот ўрнатиб, уларнинг эътиборини маълум бир маҳсулотга жалб қилиш орқали маҳсулотнинг ижобий имижини шакллантириш ва бозордаги рақобат муҳити қандай бўлишидан қатъий

назар, айнан ўша маҳсулот уларнинг асосий танлови бўлишига эришишга қаратилган тизимлаштирилган чора-тадбирлар мажмуи сифатида эътироф этилган.

Маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш мураккаб маркетинг тадқиқотлари ва ўрганишлар асосида шакллантирилади. Стратегияларни ишлаб чиқишда бозорга таъсир этувчи комплекс омиллар тизимини ўрганиш талаб этилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, халқаро компаниялар маркетинг стратегияларини самарали ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун бозорига кирмоқчи бўлган мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатларини чуқур ўрганишлари лозим.

Автомобиль бозорида харидорлар маданиятини аниқ мезонлар асосида ўлчаш бўйича халқаро амалиётда қўлланиладиган энг самарали усул сифатида йирик корпорациялар томонидан янги бозорга кириш мақсадида қўлланиладиган истеъмолчиларнинг маданий-психологик жиҳатларини ўрганишда кенг фойдаланиладиган, голланд олими Г.Хофстед томонидан яратилган маданий мезонлар усулини қўллаш мақсадга мувофиқ.



1-расм. Маданият ва истеъмолчилар хулқ-атқорининг ўзаро таъсир модели⁶

Маълум бир мамлакатдаги маданий ўлчовларни аниқлашга қаратилган эмпирик таҳлиллар чекланган кўрсаткичлар тизимидан иборат. Истеъмолчиларнинг хулқ-атвориغا маданий омиллар таъсирини барча омиллар тизимини яратиш мураккаб. Маданий мезонларнинг истеъмолчилар хулқ-атвориغا таъсирини баҳолашнинг Хофстед усули ўзининг кенг қамровлилиги, натижаларининг ишончилиги ва амалиётга татбиқ этишга осонлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу усулда истеъмолчиларнинг маданий қадриятлар тизими орқали шакланган истеъмолчи хулқ-атвори жиҳатлари шахслараро муносабатлар, истеъмолчиларнинг шахсий танлови, гендер устунлиги, консервативлик, мақсадли истеъмол даражаси ва


⁶ Муаллиф томонидан шакллантирилган

тежамкорлик каби маданий мезон кўрсаткичлари асосида таҳлил қилинади (1-расм).

Минимализм ва индивидуализмни тарғиб қилувчи жамиятларда узоқ муддатли истеъмол маданияти юқори даражада шаклланган бўлиб, улар ишлаб чиқарувчи билан узоқ муддатли ва ўзаро ишонч асосига қурилган сотувчи-харидор муносабатларини шакллантиришни хоҳлайдилар ҳамда сотувчидан ўзларига нисбатан алоҳида ёндашув бўлишини бош мезон этиб белгилаган. Маданият ва истеъмолчилар хулқ-атворининг ўзаро таъсир модели асосида олиб бориладиган маркетинг тадқиқот натижалари асосида шакллантирилган стратегиялар корхоналарнинг истеъмолчилар билан бўладиган муносабатларини узоқ вақт сақлаб қолишга ва ўз имижини яратишга ёрдам беради.

Диссертациянинг **“Миллий автомобиль бозори ҳамда унда “LADA Uzbekistan” бренди фаолиятининг амалдаги ҳолати таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида миллий автомобиль бозорининг жорий ҳолати, истеъмолчиларнинг сегмент хусусияти ўрганилган. Хофстеднинг маданий мезонлар модели ёрдамида миллий автомобиль бозоридаги истеъмолчиларнинг маданий-психологик жиҳатлари ўлчанган ва натижаларни умумлаштирган ҳолда харидор портрети шакллантирилган.

Ўзбекистон учун автомобиль саноати энг муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон аҳолисининг сони Марказий Осиёда энг кўп бўлганлиги сабаб, халқаро автомобиль корпорацияларининг Ўзбекистон бозорига киришга интилиши юқори. Кўпгина халқаро автомобиль компаниялари, жумладан, “Volkswagen Group”, “Renault Group”, “Hyundai Group” ва бошқалар жуда юқори савдо айланмасига ва шиддатли рақобат тажрибасига эга бўлсалар ҳам, улар бозорни ўрганиш ва муваффақиятга эришиш учун доимо маркетинг тадқиқотларини олиб бориши лозим.



2-расм. Ўзбекистонда автомобиллар ишлаб чиқариш ва истеъмоли⁷ (дона)

Ўзбекистон автомобиль бозори сўнгги йилларда пандемия бўлишига қарамай ўзининг ўсиш тенденциясини сақлаган. Статистик маълумотларга

⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

кўра, 2018 йилда Ўзбекистонда автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми 232 443 донани ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 293 555 тага, 2020 йилда 287 285 тага, 2021 йилнинг биринчи уч чорагида эса 145 940 тага ошган. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан бир қаторда истеъмол ҳам ўсиш тенденциясини сақлаган. Ўзбекистонда автомобилларнинг умумий истеъмоли 2018 йилда 220 667 та, 2019 йилда 271 108 та, 2020 йилда 280 080 та ва 2021 йилнинг биринчи уч чорагида 150 183 тани ташкил этган (2-расм).

Ўзбекистон автомобиль бозоридаги мавжуд ҳолатни аниқлаш учун PESTLE таҳлили ўтказилди, чунки ушбу таҳлил компаниянинг барча хизмат кўрсатаётган сиёсий таваккалчилик даражасига баҳо бера олиши учун мониторинг воситасини ишлаб чиқиши керак.

Сиёсий муҳит: Ўзбекистон сиёсий тизимидаги барқарорлик туфайли “LADA”, “Kia”, “Hyundai” ва бошқалар каби халқаро компаниялар учун Ўзбекистон бозорида узоқ муддатли мақсадларни белгилаш учун тегишли шарт-шароитлар мавжуд.

Иқтисодий муҳит: Ўзбекистондаги иқтисодий муҳит анча барқарор, аммо ҳукумат “UzAutoMotors” компаниясини қўллаб-қувватлаш учун протекционизм сиёсатини қўллайди.


Ижтимоий муҳит: компаниялар автомобилларини даромадли сотиш учун маркетинг режаларини ишлаб чиқишда маркетинг менежерлари Ўзбекистоннинг ижтимоий элементига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Ҳуқуқий муҳит: мамлакатнинг ҳуқуқий корпоратив иқлими, шубҳасиз, унинг иқтисодий ривожланиши ва жозибдорлигига ёрдам берган бир қанча ислохотларни бошдан кечирди. Айрим автотранспорт воситаларини олиб киришда аксиз солиғи ставкалари бекор қилинган. Сиёсий муносабатлар эса Ўзбекистонга танланган бозор сифатида муваффақиятли кириш учун муҳим омил ҳисобланади.

Экологик муҳит: Ўзбекистонда ҳавонинг ифлосланиши билан боғлиқ экологик муаммо мавжуд. Ўзбекистон бозорида кўпайиб бораётган эски автомобиллар ёки фойдаланилган автомобиллар савдоси ҳавонинг ифлосланиши муаммосини юзага чиқармоқда.

Шунингдек, маркетингнинг таҳлил усуллари ва эконометрик моделлаштириш ёрдамида бозордаги вазият чуқур тадқиқ этилган (3-расм), мавжуд тенденциялар ва муаммолар аниқланган ҳамда муаммоларни ҳал этишнинг илмий ечимлари кўрсатиб берилган.

Миллий автомобиль бозорининг вазиятли таҳлили натижалари асосида, тегишли муаммоларга ечим топишнинг энг самарали усулларида бири ҳисобланган, Хофстеднинг маданий мезонлар усули ёрдамида ўзбек истеъмолчилари маданияти ўлчанган. Олинган натижалар асосида харидорларнинг маданий-психологик портрети яратилган. Бунда истеъмолчиларнинг автомобиль харидини амалга оширишда намоён бўладиган барча ижтимоий, маданий, психологик ва иқтисодий жиҳатларини ифодаловчи саволнома тузилиб, Ликерт шкаласи бўйича 5 балли мезонда баҳоланди.




3- расм. Ўзбекистон автомобиль бозорининг жорий ҳолати⁸

“LADA Uzbekistan” брендига тегишли барча дилерлик марказларига 500 нусха саволнома бланклари тарқатилди ва уларнинг 482 таси ёки 96,4 фоизи тўлиқ тўлдирилган ҳолда қайтариб олинди, 11 та бланк хато тўлдирилганлиги ва 7 та бланк йўқолганлиги учун таҳлилдан чиқариб ташланди. Йиғиб олинган барча сўровномалардаги маълумотлар тўлиқ қайта ишланиб, маълумотлар умумлаштирилган. Умумлашган маълумотлар асосида Хофстеднинг маданий мезонлари қуйидагича ҳисоблаб чиқарилди. Илк марта, Ўзбекистон иқтисодиётида Хофстеднинг маданий мезони асосида ўтказилган таҳлил натижалари 4-расмда акс этган.

Таҳлил натижаларига кўра, истеъмолчиларда янги брендларга нисбатан ўта консервативлиги 93%, узок муддат фойдаланиш учун харид қилиши 82%, жамиятнинг нуфузли шахслари танловига эргашиши 79%, харидлар бўйича асосий қарорларни қабул қилишда эркакларнинг мутлақ устунлиги 72%, шахсий танловини якка ҳолда эмас, бошқалар маслаҳатига асосланиб амалга ошириш 56%, жорий харажатлардан маблағ тежаш ҳисобига келажак учун кўпроқ жамғариш 73% эканлиги маданий-психологик жиҳатлари устунлиги яққол намоён этган.

⁸ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси
16



4-расм. Ўзбекистон автомобиль истеъмолчиларининг маданий-психологик портрети⁹

Ўзбекистонда автомобилсозлик саноатини ривожлантиришнинг драйверларини аниқлаш ва замонавий эконометрик моделларни уларга қўллаш ҳамда объект сифатида олинган “LADA Uzbekistan” бренди автомобиллари савдосига таъсир қилувчи омиллар таъсири аниқланди. Иқтисодий-математик моделни тузишда илғор эконометрик методларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилиб, коинтеграция ва авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL) усулида “LADA Uzbekistan” бренди маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда эътиборга олинмиши лозим бўлган омилларнинг таъсири баҳоланган.

Ўзбекистондаги автомобиль бозори сифими, истеъмол ҳажми, ишлаб чиқариш, экспорт ва импорт ҳажмларини “LADA” автомобиллари савдоси ҳажмига боғлиқлигини Песаран қоидасига мувофиқ ARDL тестини чекланмаган хатоликни силлиқлаш модели (UECM) кўринишида ифодаланди(1.1.):

Бу ерда, *SLS* – “LADA” автомобиллари савдоси ҳажми, *MSZ* – мамлакатнинг автомобиль бозори сифими, *CON* – мамлакатнинг истеъмол ҳажми, *PRD* – мамлакатдаги автомобиль ишлаб чиқариш ҳажми,

⁹ Хофстеднинг маданий мезонлар тести натижалари асосида муаллиф ишланмаси

EXP – мамлакатнинг автомобиль экспорти ҳажми, IMP – мамлакатнинг автомобиль импорти ҳажми, GDP – ялпи ички маҳсулот, INF – инфляция даражаси, EXC – валюта курси.

$$\begin{aligned} \Delta \ln SLS_t = & \varphi_0 + \sum_{i=1}^p \varphi_1 \Delta \ln SLS_{t-i} + \sum_{i=0}^p \varphi_2 \Delta \ln MRS_{t-i} + \sum_{i=0}^p \varphi_3 \Delta \ln CON_{t-i} + \\ & + \sum_{i=0}^p \varphi_4 \Delta \ln PRD_{t-i} + \sum_{i=0}^p \varphi_5 \Delta \ln EXP_{t-i} + \sum_{i=0}^p \varphi_6 \Delta \ln IMP_{t-i} + \\ & + \sum_{i=0}^p \varphi_7 \Delta \ln GDP_{t-i} + \sum_{i=0}^p \varphi_8 \Delta \ln INF_{t-i} + \sum_{i=0}^p \varphi_9 \Delta \ln EXC_{t-i} + \beta_1 \ln SLS_{t-1} + \\ & + \beta_2 \ln MRS_{t-1} + \beta_3 \ln CON_{t-1} + \beta_4 \ln PRD_{t-1} + \beta_5 \ln EXP_{t-1} + \beta_6 \ln IMP_{t-1} + \\ & + \beta_7 \ln GDP_{t-1} + \beta_8 \ln INF_{t-1} + \beta_9 \ln EXC_{t-1} + u_t \end{aligned} \quad (1.1)$$

ARDL модели ўзгарувчиларнинг фақатгина $I(0)$ ва $I(1)$ тартибда, яъни даража ва бирламчи тафовутда бирлик илдизга эга бўлишини талаб қилгани учун кенгайтирилган Дикки-Фуллер ва Филлипс-Перрон бирлик илдиз тестлари ўтказилган. Бирлик илдиз тестлари биринчи тафовутда барча ўзгарувчилар стационар эканлигини, биз танлаган омиллар ўртасида коинтеграцион боғлиқлик мавжудлигини ҳамда таҳлилни давом эттириш мумкинлигини кўрсатди. Шу боис, юқорида ARDL тести ўтказилган (1-жадвал).

1-жадвал

ARDL модели учун эҳтимолий олинган омилларнинг статистик аҳамиятлилик тести¹⁰ (коэффициентда)

Ўзгарувчи	Коэффиц.	Ст. хатолик	t-статистика	Эҳтим.*
LnSLS(-1)	1.097165	0.361191	3.037627	0.0385
LnMSZ	-0.010987	0.026525	-0.414212	0.7000
LnMSZ(-1)	-0.045356	0.033718	-1.345176	0.2498
LnMSZ(-2)	0.052945	0.041217	1.284537	0.2683
LnCON	0.014013	0.028754	0.487333	0.0415
LnCON(-1)	0.043994	0.035713	1.231884	0.1855
LnCON(-2)	-0.039898	0.036731	-1.086225	0.0385
PRD	0.022020	0.013509	0.275165	0.0106
PRD(-1)	-0.053569	0.007471	-7.169971	0.0882
PRD(-2)	-0.058494	0.010868	-5.382112	0.1170
EXP	0.321307	0.052130	6.163586	0.1024
EXP(-1)	-0.320702	0.036645	-8.751694	0.0724
EXP(-2)	-0.293181	0.059722	-4.909121	0.1279
IMP	0.082629	0.010324	8.003795	0.0491
IMP(-1)	0.159555	0.024305	6.564816	0.0962
IMP(-2)	0.153066	0.021877	6.996652	0.0904
GDP	0.038811	0.000217	0.128282	0.0360
GDP(-1)	-19.41148	5.938274	-3.268875	0.1468
GDP(-2)	-13.66129	5.303396	-2.575952	0.0821
EXC	0.139216	0.071597	1.944434	0.1471
EXC(-1)	-0.049309	0.060846	-0.810380	0.4770
EXC(-2)	0.133803	0.068535	1.952333	0.1459
INF	71.03124	38.88120	1.826879	0.1652
INF(-1)	80.75758	40.34904	2.001475	0.1391
C	2756.998	978.5694	2.817376	0.0669
R-квадрати	0.945322	Эрксиз ўзг. ўрт. арифм.	1218.154	

*Изоҳ: p-қийматлар ва бошқа тестлар модел танлашда эътиборга олинмайди.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан Eviews 9 дастурида бажарилган.

1-жадвалда берилган ARDL тести коэффициентлари истеъмол, ишлаб чиқариш, импорт ва ЯИМ ҳажмларининг “LADA” автомобиллари савдоси ҳажмига ижобий таъсир этишини кўрсатади. Бошқа кўрсаткичлар ўзгармаган шароитда агар истеъмол ҳажми бир бирликка ортса, савдо ҳажми 0,014 бирликка, ишлаб чиқариш ҳажми 1 бирликка ортса, 0,022 бирликка, импорт ҳажми 1 бирликка ортса, 0,08 бирликка, ЯИМ ҳажми 1 бирликка ортса, 0,039 бирликка ортади. р-қийматини эҳтимоллиги 5 фоиздан катта бўлганлиги сабабли бозор сиғими, экспорт ва инфляция даражаси аҳамиятсиз деб топилган.

Мукамал ва батафсил натижага эришиш учун коинтеграция тести орқали қисқа ва узоқ муддатли боғлиқлик текширилган. 2-жадвал маълумотларида ишлаб чиқариш, импорт ҳажмлари ҳамда ЯИМ динамикаси ўртасида қисқа муддатли ижобий боғлиқлик мавжуд бўлиб, уларнинг 1 бирликка ўсиши савдо ҳажмини мос равишда 0,021770, 0,010727, 0,031109 ва 0,095642 бирликка оширади.

Қисқа муддатда олинганда ЯИМ ўсиши савдо ҳажми оширишнинг энг кучли омили бўлиб хизмат қилади. Валюта курси динамикаси ортиши эса савдо ҳажми ўсишига тўсқинлик қилувчи ягона омилдир. Агар, сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курси 1 бирликка ошса, компаниянинг сотув ҳажми 0,068412 бирликка камаяди. Ишонч интервали 5 фоиздан катта бўлганлиги сабабли бозор сиғими, экспорт ва инфляция даражаси қисқа муддатли истиқболда савдо ҳажмига таъсир қилмайдиган аҳамиятсиз омил эканлиги аниқланган.

2-жадвал

ARDL моделининг коинтеграция шакли боғлиқлик тести¹¹ (коэффициентда)

Ўзгарувчи	Коэффиц.	Ст. хатолик	t-статистика	Эҳтим.
D(LnMSZ)	0.016966	0.018908	0.897300	0.0958
D(LnCON)	0.021770	0.020932	1.040020	0.0287
D(LnPRD)	0.010727	0.016271	1.110495	0.0380
D(LnEXP)	0.057540	0.034877	1.649824	0.1501
D(LnIMP)	0.031109	0.022113	1.406807	0.0291
D(LnGDP)	0.095642	0.124101	1.750690	0.0316
D(LnINF)	0.088546	0.112829	1.486866	0.1421
D(LnEXC)	-0.068412	0.146011	-1.753829	0.0493
CointEq(-1)	-0.096441	0.172305	-0.559714	0.5959

Узоқ муддатли боғлиқлик тести омилларнинг таъсири сезиларли ўзгаришини кўрсатди. Хусусан, қисқа муддатли истиқболда ҳам, узоқ муддатда ҳам истеъмол, ишлаб чиқариш, импорт ва ЯИМ ҳажми савдо ҳажмини ортишини (мос равишда 0,014277, 0,026034, 0,050259 ва 0,025362 бирлик) рағбатлантиради. Бироқ, энг кучли таъсир қилувчи омиллар ўрни ўзгариб, узоқ муддатда импорт ҳажми компаниянинг савдо ҳажмини

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан Eviews 9.0 дастурида бажарилган.

оширишнинг асосий омили ҳисобланади. Ишонч интервали 5 фоиздан катта бўлганлиги сабабли бозор сиғими, экспорт, инфляция ва валюта курси динамикаси узоқ муддатли истиқболда савдо ҳажмига таъсир қилмайдиган аҳамиятсиз омилдир (3-жадвал).


3-жадвал

**ARDL моделининг коинтеграция шакли узоқ муддатли¹²
(коэффициентда)**

Ўзгарувчи	Кoeffиц.	Ст. хатолик	t-статистика	Эҳтим.
LnMSZ	-0.174760	0.148243	-1.178874	0.0723
LnCON	0.014277	0.379489	0.337654	0.0285
LnPRD	0.026034	0.660985	0.593256	0.0394
LnEXP	-0.952947	1.726006	-0.552111	0.6008
LnIMP	0.050259	0.883807	0.806508	0.0306
LnGDP	0.025362	0.682637	0.578800	0.0438
LnINF	0.143937	0.959262	2.428821	0.1181
LnEXC	-0.285030	1.159475	-0.209662	0.8346
C	71.086798	9.918175	88.079376	0.0449

$$\text{Cointeq} = \text{SLS} - (-0.1747 * \text{MSZ} + 0.1142 * \text{CON} + 0.0260 * \text{PRD} - 0.9529 * \text{EXP} + 0.0502 * \text{IMP} + 0.0253 * \text{GDP} + 0.1439 * \text{INF} - 0.2850 * \text{EXC} + 71.0867)$$

Таҳлиллардан олинган натижанинг аҳамиятлилиги ва ўринлигини аниқлаш мақсадида моделнинг диагностик тестлари ўтказилган. Бройш-Годфрининг Лагранж мультипликатори тести моделimizда автокорреляция мавжуд эмаслигини, Бройш-Паган-Годфри тести модел ўлчовидаги хатоликлар нормал тақсимланганини кўрсатди. Шунингдек, регрессив қолдиқлар йиғиндиси (CUSUM) ва регрессив қолдиқлар квадратлари йиғиндиси (CUSUM of Squared) тестлари ўтказилиб, олинган натижанинг ишончлилиги ва танланган моделнинг тўғрилиги тасдиқланган.



5-расм. “LADA” автомобиллари савдоси прогнози¹³ (дона)

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан Eviews 9.0 дастурида бажарилган.

¹³ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси

Олинган натижалар асосида, “LADA” автомобилларининг мамлакатимиздаги савдоси ҳажмининг асосий, оптимистик ва пессимистик сценарийларга асосланган келгуси 5 йил учун прогноз кўрсаткичи ҳисоблаб чиқилган (5-расм). Маълум бўлдики, “LADA” автомобиллари савдосига ташқи омиллар таъсир қилмаган тақдирда 2022-2026 йилларда кичик тебранишлар билан ортиб бориб, мақсадли сценарий бўйича 2021 йилдаги 2639 данадан 2026 йилда 7533 данага ёки 285 фоизга кўтарилади. Барча омиллар ижобий таъсир қилган идеал иқтисодий шароитда оптимистик сценарийлар асосида мос равишда савдо ҳажми 5 йил ичида 5400 данадан 12604 данага ёки 233 фоизга етади. Энг оғир, экстримал бозор шароитида пессимистик сценарийлар бўйича савдо ҳажми 1166 тадан 4301 данага ёки 368,7 фоизга ортади.

